

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ИЙЛ
ЧИҚИШИ

№ 242 (4958).

11
ДЕКАБРЬ
СЕШАНБА
1973 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Чорвоқ ГЭСи қурувчиларининг коллективи КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини 26 ноябрда бажарди. Беш йилликнинг уч йили тошчириги биринчи сентябрдаёқ бажарилган эди.

Йил охиригача йиллик пландан ташқари бош лудрат асосида бир ярим миллион сўмлик ва ўз кучлари билан 1 миллион 850 минг сўмлик иш бажарилади. Яъни беш йилликнинг

уч йили мобайнида эса пландан ташқари бажариладиган ишлар ҳажми 6 миллион сўмликка етади.

«Чарвакестрой» қурувчилари ўз фаслида — гўзалар айни зўр бериб ўсатган бир пайтда сув омборида қамида 900 миллион куб метр сув тўлаш учун таъғирларлик қуришмоқдалар.

Хўжакент гидроузелида беш йилликнинг якуловчи йилида Чирчиқ дарёсини тўсиш ишлари авж олдириб юборилди.

Тошкент трикотаж фирмасининг меҳнатчилари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон — Компартиясининг 50 йиллигини муносиват қилиш учун илгилан, товар маҳсулотини реализация қилиш йиллик планини 6 декабрда ва беш йилликнинг уч йили тошчиригини 7 декабрда бажардилар. Йил охиригача 1 миллион 800 минг сўмлик пландан ташқари трикотаж буюмлари ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади.

(ЎзТАГ).

МЕХНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1973 ЙИЛДА ПАХТА, ДОН ВА ДЕҲҚОНЧИЛИКНИНГ
БОШҚА МАХСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТГА СОТИШНИ
КУПАЙТИРИШДА ЭНГ ЯХШИ ЎРНАҚ КўРСАТГАН
ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ ИЛГОРЛАРИГА СОЦИАЛИСТИК МЕХНАТ ҚАҲРАМОНИ
УНВОНИ БЕРИШ Тўғрисида

1973 йил Бутуниттифок социалистик мусобақасида катта муваффақиятларга эришганликлари ҳамда пахта, дон ва деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан олинган мажбуриятларни бажаришдаги шавкатли меҳнати учун қуйидагиларга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилсин ҳамда Ленин ордени ва «Ўроқ ва болға» олтин медали тошчирилсин:

Абдурахмонов Бозорбой — Андижон область Қўрғонтепа районидagi «Савай» совхозининг директори.

Азизов Қамол — Сирдарё область Жиззах районидagi Навоий номи колхоз раиси.

Алиев Эвнер — Тошкент область Оққўрғон районидagi «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг заведо бошлиғи.

Болташев Усенбой — Қорақалпоғистон АССР Кегайли районидagi «Халқобод» совхозининг механизатори.

Барноева Муяссар — Бухоро область, Ромитан районидagi «Октябрь 50 йиллиги» совхоз бўлимининг бошқарувчиси.

Далажонов Тулан — Сирдарё область Дустлик районидagi Ленин номи совхоз пахта терши машинасининг механик-ҳайдовчиси.

Дамиров Холиёр — Қашқадарь область Косон районидagi Ленин номи совхоз бригадир.

Жўраев Абдурахмон — Наманган область Наманган районидagi

«Партия XXII съезди» колхозининг бригадир.

Иброҳимов Саид — Тошкент область Бўна районидagi «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бригадир.

Исмаилов Маҳмуд — Тошкент область Янгийул районидagi «Коммунизм» колхозининг раиси.

Қамолов Қаллибек — Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари.

Қан Алексей — Қорақалпоғистон АССР Нукус районидagi «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозининг шолиқори.

Қаринова Мақсудахон — Фарғона область Фарғона районидagi Димитров номи колхоз бригадир.

Қим Николай Васильевич — Хоразм область Янгиерик районидagi А. Хоразмий номи совхоз директори.

Қурбонов Абдусаттор Ибдулоевич — Сурхондарё область Шеробод районидagi Ленин номи совхоз механизатори.

Қўқоров Майли — Самарқанд область Пастдаргом районидagi Карл Маркс номи колхоз бригадир.

Маҳмадиев Холиқул — Қашқадарь область Шахрисабз районидagi

Энгельс номи колхоз механизатори.

Нисов Гўлмира — Сурхондарё область Шўрчи районидagi «Ленинизм» колхозининг бригадир.

Омонов Ҳамровали — Наманган область, Поп районидagi «Ленинград» колхозининг бригадир.

Раҳимов Бектош Раҳимович — Ўзбекистон Компартияси Андижон область комитетининг биринчи секретари.

Турсунов Омон — Самарқанд область Самарқанд районидagi «Москва» колхозининг сабазотчиси.

Умарова Мақсудахон — Андижон область Пахтабод районидagi Екубов номи колхоз бригадир.

Ҳайдаров Мақсудахон — Ўзбекистон Компартияси Фарғона область Ленинград район комитетининг биринчи секретари.

Холматов Мухтор — Сирдарё область Ворошилов районидagi «Социализм» совхозининг бригадир.

Ҳамроев Бахшилло — Бухоро область Навоий районидagi «Коммунизм» колхозининг бригадир.

Худойкулиев Салой — Хоразм область Ҳазорасп районидagi Фрунзе номи колхоз механизатори.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари

М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1973 йил 10 декабрь.

ТИНЧЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон меҳнаткашлари барча совет кишилари билан, бутун прогрессива инсоният билан бирга КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Хиндистонга қилган визити якунларига юксак баҳо бермоқда.

Оққўрғон районидagi «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида шу тарихий воқеага бағишланган митинг бўлиб ўтди. Тракторчи, Е. Ф. Самарини митингга сўзга чиқиб, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Хиндистон раҳбарлари билан самарали музокаралар олиб борганлиги партия XXII съезди ишлаб чиққан тинчлик программаси муваффақиятли амалга оширилганлигини кўрсатувчи яна бир далил эканлигини таъкидлаб ўтди.

— Деҳдада имзоланган ҳужжатлар, — деди митинг, — ҳар иккала давлат халқларининг туб манфаатларига мувофиқ бўлиб, бутун планетамизда тинчлик мўқаддас ишга хизмат қилади. Биз қишлоқ меҳнаткашлари улуг ҳинд халқи билан дўстлигини бундан келтириб, яна ҳам мустақамлаб берамиз.

Митингда бош прораб Г. Иўдошев, марказий устакхона ходими В. И. Маркелов ва бошқалар сўзга чиқиб, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик йўлида тинмай меҳрибонлик қилганлиги учун коммунистик партияга, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневга самийини миннатдорчилик назор қилдилар.

Чирчиқдаги ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлургия обьектида, Янгийул районидagi «Ленинград» колхозда, республиканинг бир қанча меҳнаткашлар коллективлари бўлиб ўтган митингларнинг иштирокчилари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Хиндистонга қилган визити натижаларини қизғин таъқулладилар.

(ЎзТАГ).

130 ХИЛДАН ОРТИҚ ШИРИНЛИК

Бу корхона ишчи-хизматчилари жуда шарафли вазифани бажармоқдалар. Улар халқимизнинг тобора ошиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, турли-туман ширинликлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳаракат қилишмоқда. Шунинг учун ҳам Тошкентдаги «Ўроқ» кондитер фабрикаси коллективни маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш қатори унинг янги хилларини тайёрлашни ҳам ўзлаштиришга катта эътибор бермоқда.

Тўққизинчи беш йилликнинг

ўтган йилларида ўрта ҳисобда 9—12 минг тонна ширинликлар ишлаб чиқарган фабрика ишчи-хизматчилари 1973 йилнинг ўтган ўн ойида 19 минг тоннага яқин маҳсулот реализация қилди. Ҳозир 130 хилдан ортиқ ширинликлар ишлаб чиқарилаётган. Коллектив тайёрлаётган «Оқ олтин» конфети эса давлат Сифат белгисини олди. Ҳозир қандолатчилик қатор янги ширинлик турларини давлат сифат аттестациясидан ўтказишга тайёрламоқдалар.



ПОИТАХТИМИЗДАГИ «Средазнегпроцветмет» техника ишлаб чиқариш корхонаси коллективи ҳал қилувчи йилда пахта намлигини аниқлашда ва металлургия соҳаларида кенг қўланиладиган изотоп приборларини қўлаб ишлаб чиқармоқда.

Суратда: приборлар ҳечининг илгори слесари Галина Давидович.

М. Нуридинов фотоси.

ТАРАДУД

Республикада хизмат кўрсатган пахтакор Абдували Расулматов бошлиқ бригада Оққўрғон районидagi Вотицев номи колхозда илгори ҳисобланади. А. Расулматов кўп йиллардан бери бригадада бошлиқлик қилади. Жонкуярлиги туфайли бригадада иш ҳаминча саранжом-сарништа. Ҳар йили мажбурият ошириб бажарилади.


Бу йил бригада аъзолари 35 центнерлик улкан хирмон учун кураш олиб бордилар. Дала ишлари ўз мўддатига сифатли ўтказилди. Ўзанинг тез ривожланиб мўл ҳосил тўлаш учун ҳамма чоралар кўрилди. Бригада аъзолари ҳажинҳатлик билан меҳнат қилганликларини туфайли ҳар гектар ердан 43 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўдилар. Давлатга пландаги 175 тонна ўрнига 297 тонна сифатли «оқ олтин» армугон қилинди.

Бундай катта ютуқларга эришишда бригаданинг механизатори Аскар Ахмедовнинг ҳиссаси аинқиса катта. У ўз бўйи гўза қатор ораларини сифатли ишлаш билан бирга йиғим-терим масъумида ўз агрегатидан унумли фойдаланиб, 188 тонна пахта терди. Бригаданинг моҳир сувчилари Ғофир Мамажонов, Ҳасанбой Бозоров, чевар теримчилардан Марҳамат Худойбердиева, Майсара Умарова ва Қўзбўй Расулматовлар ўз меҳнатлари билан бригада аъзоларининг ҳурматига сазовор бўдилар.

Шу қўнларда бригадада келгуси йил мўл ҳосил учун катта тайёргарлик қўрилоқда. Ерлар сифатли шудорлаб, ўғитлаб қўйилди. Ариқ-зовурларни тозалаш, техника ремонт ва бошқа ишлар сифатли ўтказилмоқда. Илгори бригада аъзолари келгуси йилда бундан ҳам каттароқ марраларини эгаллашни мўлжалламоқдалар.

Д. ЖУМАНОВ.

БАЙРОҚ МУБОРАК



Суратда: область чорвадорлари Қизил байроқни тошчириш пайти.

В. Молгачев фотоси.

Кеча область партия комитетининг мажлислар залида Тошкент областига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроқини тошчиришга бағишланган тантанали митинг бўлди. Митингда областнинг илгори чорвадорлари, мутахассислар, область ва район партия, совет, хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Митингга область партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Овчинский олд. У областнинг чорвадорларининг 1972-1973 йил чорва қишлоқнинг намунали ўтказиб чорва маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш соҳа-

сида эришган ютуқларини алоҳида қайд қилиб ўтди. Областнинг чорвадорлари Бутуниттифок социалистик мусобақасида фаол қатнашиб, улкан ютуқларини қўлга киритганликлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотландилар. Оққўрғон, Орқоникотда районлари чорвадорлари катта зафар кўчиб, Ўзбекистон КП Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзбекистон касба соҳалари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроқини олишга муваффақ бўдилар. Областнинг 16 колхоз ва совхоз СССР Қиш-

лоқ хўжалиги министрлиги ва республика қишлоқ хўжалиги министрлигининг Қизил байроғи билан мукофотланди. Жуда кўп илгори чорвадорлар СССР ордени ва медаллари билан тақдирландилар.

Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча таъхирларига яънобон областимизда чорвадорлари янада зўр гайрат кўрсатиб, ўн бир ойликда чорвачилик маҳсулотини тайёрлаш халқ хўжалик йиллик планини ошириб бажардилар. Эндилдада энмжага олинган социалистик мажбурият ҳисобига маҳсулот тошчиришмоқдалар.

Қизил байроқни Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари И. Р. Қурбанов тошчириди. У область чорвадорларини қўлга киритган ютуқлари

билан табриқлади. чорвадорларининг Бутуниттифок социалистик мусобақасида янада янги галабаларни қўлга киритишга, тўққизинчи беш йиллик тошчириқларини мўддатидан олдин бажаришга даъват қилди.

Област партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Овчинский байроқни қабул қилиб олар экан, область меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимизнинг ишонига яраша меҳнат қилиб, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш янада кўпайтиражакларини айтди.

Митингдан кейин илгори чорвадорларга ордени ва медаллар тошчирилди. Мукофотларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари С. А. Абдалиев тошчириди.

СССР Олий

Советида

ТАРМОҚ

КОМИССИЯЛАРИНИНГ

ЯЛПИ МАЖЛИСЛАРИ

8 декабрда Москвада СССР Олий Совети Иттифок Совети билан Миллатлар Советининг саноат, транспорт ва алоқа, қурилиш ва бинокерлик материаллари саноати, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот, халқ маорифи, фан ва маданият, савдо, маънавий хизмат кўрсатиш ва коммунал хўжалик тармоқ доимий комиссияларининг ялпи мажлислари бўлиб ўтди.

Шу кунги ҳар икки палатанинг ёшлар ўртасида ишлаш, шунингдек табиатни қўриқлаш комиссияларининг ялпи мажлислари ўтказилди.

Комиссияларнинг мажлисларида саккизинчи қақирги СССР Олий Советининг 12 декабрда очилдиган навбатдаги VII сессияси иш бошлаши арафасида Москвага келган 500 дан кўпроқ депутат иштирок этди.

Депутатлар СССР халқ хўжалиги ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат планини, 1974 йилги давлат бюджетини ва 1972 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни олдиндан кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги докладлар ва ахборотларини тингладилар.

Комиссияларнинг аъзолари бўлган депутатлар масалани ишчанлик билан муҳокама қилиш жараёнида мамлакатнинг келгуси йил учун мўлжалланган плани ва бюджетни социалистик ишлаб чиқаришни юксак суръатлар билан ривожлантириш, унинг самардорлигини ошириш, фантехника тарққиёти ва меҳнат унумдорлигини ўстиришни жадаллаштириш негизида халқ ҳаётининг моддий ва маънавий даражасини анча юксалтиришни таъминлашдан иборат беш йилликнинг энг асосий вазифасига мос бўлиб тушади, деб таъкидладилар. Шу билан бирга депутатлар совет экономиксининг барча мавжуд резервларидан тўлароқ фойдаланиш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар.

Тармоқ комиссиялари мамлакатнинг 1974 йилги плани ва бюджетини ҳамда 1972 йилги бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот қилишдан чиқарилган хулосаларини таъкидладилар. Улар Иттифок Совети ва Миллатлар Советининг план-бюджет комиссиялари раисларига СССР Олий Совети тоғиши палаталарининг мажлисларида ўз номларидан қўшимча докладлар билан чиқишни тошчиридилар.

Контролни амалга ошириш мақсадида бир қанча тармоқ комиссияларининг мажлисларида экономика ва маданият тармоқларини ривожлантиришнинг айрим масалалари юзасидан комиссияларнинг илгори берилган тавсияларини СССР министрликлари ва идоралари қандай бажарётганликлари тўғрисидаги ахборот ҳам тингланди. Бу масала юзасидан комиссиялар тегишли қарорлар қабул қилдилар. (ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети КПСС XXIV съездининг 1957 йилгача эъланиб тарқатилган давлат заёмлари облигацияларини пулини мўддатидан олдин тўлаш тўғрисида қабул қилган қарорларини ҳамда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган давлат беш йиллик плани тўғрисидаги СССР Қонунини бажара бориб, «Аҳолида бўлган давлат заёмлари облигацияларининг пулини тўлаш тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Шу қарорга мувофиқ, облигацияларнинг пулини тўлашни 1948 йилда чиқарилган давлат

акция процентли заёмидан бошлаш кўзда тутилади. Шу заёмнинг облигациялари пули 1974 йилда 1975 йилларда ҳар йили 1 миллиард сўмдан тўланади. Облигацияларнинг пулини тўлаш биринчи тиражи 1974 йилнинг декабрида бўлади.

Кейинчалик аҳолида бўлган давлат заёмлари облигацияларининг пули шу заёмлар чиқарилиш навбатига қараб тўланиб боради.

Облигациялар пулини тўлаш учун тиражлар ўтказиш ва шундай облигацияларнинг қанчалик тўлаш тартибини белгилаш СССР Молия министрлиги билан СССР Давлат банкига топширилди.

ОҶАНГАРОН РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

партия комитетинин янги состави
ревизия комиссияси, область па-
тия конференциясига делегатла-
сайланди.

Оҳангарон район партия коми-
тетининг таъинлиқ пленуми бў-
либ ўтди. Пленум К. Аъзамови
район партия комитетининг бо-
ричи секретари, В. Н. Анаьин
Ш. Қаршибеовларин райком се-
ретарлари қилиб сайлади.

Янги мўйна хўжалиги
йилда қирқ мингтача қим
мўйна етиштиришга м
ланган. Хўжалиқ респуб
эиғ катта бўлади. Хўжал
биринчи навбат беш й
охиринча ишга тушарди.

Кўмир разрезини коллективни Ўзбекистоннинг соҳилликчи мусобақасида ҳам дўстлик натижаларига эришмоқда. Шу йилнинг иккинчи кватрти яқинлари бўйича коллектив СССР Кўмир саноати министрилик қорхоналари ўртасида биринчи

даланишга топширилди. Унинг
составида саноат моллари ва
озин-овқат магазинлари, аҳоли
га маъийн хизмат кўрсатиш
павильонлари, ошхона, чойхона,
на, меҳмонхона мавжуд.

Савдо маркази шу жойин
яқин жойлашган бошқа хўжалик
ликлар ууун ҳам хизмат қил
моқда.

Н. ИВАНКИНА.

Меҳнатсевар кочилар шу кунларда ҳужалик йилини янада яхши кўрсаткичлар билан якунлаш ва қолган ойлار мобайнида пландагидан ташқари яна қўлбал қоралани қазиб чиқариш ва она-Ватанга совға қилиш ишларида астойдил меҳнат қилмоқдлар.

Н. ҚОСИМОВ,
Тошкент область партия қомити

ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ

№ 99

ҲАҚИҚИЙ ЖАНГДАГИДЕК

Эрта тонг сукунади одатда кишини алдаб қўяди. Кекса, жангчилар буни яхши билидилар. Ешлар эса тақрибкор фронтчиларнинг назидан борадилар, улардан ўрнадиладар.

Субҳидан. Состав бўлгуси «жанг» олдидан техника ва қуролларни тайёр ҳолга келтирмоқда. Шу тобда танкчилар экипажини айланар эканман, жимжитлигини бузган суҳбат қўлогига чалинади.

— Узининг ҳеч қачон йўқотма, бардан бўл...

Товушдан танидим. Солдат Б. Раҳмонов машаққат қийналаган кўрорлиш дўстига айтипти. Бу тақрибкор жангчи ўтган сафар пушани тез ўқий олмай экипаж номига доғ ту-

шираётган эди. Шунинг учун ҳам Б. Раҳмонов ёш кўрордошга маслаҳат бермоқда.

— Тўсидан кўрмо. Дадиллик ҳаммасини етди.

Наводчик З. Ҳасанов ёш танк ҳайдовчи И. Смирновга шундай дея маслаҳат беради.

Бу эввод аъзолари аҳилиги билан ажралиб туришади. Жангда доимо бир-бирларини қувватлайдилар, гвардиячи дўстлик доқуни билан яшайдилар.

Б. Раҳмонов Самарқанд об-

ластин Нарпай районидаги Ленин номи қолхоздан. Гидрометеорология техникуминини тугаллаган. Ҳарбий хизматга Бухородаги «Вобкентстройтрест»да геодезист бўлиб ишлади. Яхши ўқиди, меҳнатда чиникди. Мана энди Ҳарбий ҳаётида ҳам илгор.

З. Ҳасановнинг ҳам ўртоқлари орасида хурмати катта. У аввал Урта Чирчиқ районида қолхозчи бўлиб ишлаган, кейинчалик Самарқанд кооператив техникумида ўқиди. У Ҳарбий ва си-

ёсий тайёргарлик аълочилиси... Командирнинг буйруғидан сўнг экипаж жанговар машиналарига ўтирадилар. Наушникларга қўлоқ тутиб, ҳужум ҳақидаги буйруқни сабрсизлик билан куталашадилар.

— Олга!

Танклар бир зумда ўрмалаб кетди. Ҳужум бошланди.

— Жангга!

Забардаст танклар жанговар линия томон қайридилар. Шу пайт ўнг қанотда Б. Раҳмоновнинг машиниси олдида «душ-

ман» пиёдалари кўринди. Пулемёт ишта тушди.

Мана, олдида буталар қимирлаб кетди. Уткир кўзлар оқоқдаги «душман» тапқини сезиб қолади. Секундлар ичида мўлжалга уриди. «Душман» машиниси устида тутун бурқинади.

Жангчи-танкчилар тактик машаққатда кўплаб ана шундай жанговар тошириқларни бажардилар. Наводчиклар Б. Раҳмонов ва З. Ҳасанов бу гал ҳам жанговарлик намуналарини кўрсатдилар. Уларнинг экипажи «жанг»да яна бир бор аълочи экипаж номини оқлади.

И. ВАШЧЕНКО,
майор.



Машқдан сўнг дам олиш пайкалар гашти. Волга бўйи Ҳарбий округи жангчилари машқларини аъло даражада якунлаб қўюқ ўрмонзор бағрида дам оломоқдалар. Улар округ Ҳарбий Совети Қизил байроғини олишта муваффақ бўлганлар. (Юфорида).

Ю. Белозеров фотоси.

(ТАСС фотохроникаси).

Тошкент танк билим юрти курсантлари ўқув машғулотларини аъло даражада ўтказиб, ўз маҳоратларини тобора оширмоқдалар. Суратда: старший лейтенант Абдувоҳид Ахроров механик-ҳайдовчи А. Мирзаев ва сержант Л. Канга машқ олдидаги инструктор бермоқда.

А. Тюрников фотоси.

НЕВА
БЎЙИДАН
Берлингача

Мудқин қуроллар жимиб, сўнгги снарядлар товуши сўнгинга ҳам чорак асрдан кўп вақт ўтди. Ватанимиз ҳимоячиларининг мислсиз жасорати ҳалқимиз ёдидан сира чиқмайдди. Финляндия чегараларидан Берлингача бўлган жанговар йўлларда Ўзбекистоннинг Ўзбекистон қолхозининг бош эконо-

мисти Насиббой Қўрбонбоевнинг ҳам изи бор.

Насиббой Қўрбонбоев артиллерия оловлари остида немис автоматчилари билан олишди-лар, заставани фашистларга бермадилар. Душманга натта талофат етмагач, чегара бўйлаб олга сийдирилди.

Насиббой Ленин шаҳрининг Пулково тепалиқлари райони ҳимоясида ҳам бўлди. Оғир яраланди. Тузалиб, яна шиддатий жанглар суронига кириб кетди.

Товитгарда оғир немис бомбардировкачи самолётлари мўдосфа чизгиларига ҳужум бошладилар. Душман атакага ўтиши аниқ. Насиббой «Максим» ни ишта солди. Мана, немис автоматчилари кўринди. Пулемётчилар душман ўтқи халқага қийнашгуча кутиб, сўнг аниқ нишон билан уларни ер титилдилар. Ўқ-дорни тугабган. Шерити доимаслик шахтёр Лукьян Гуляло пулемёт лентаси учун кетган бир пайтда, фашистлар яна ҳужумга ўтдилар. Насур пулемётичи уларни яна ўқ ёмғири билан кутиб олди. Душман ниятига етмоқда.

Шу кунни икки қаҳрамон пулемётчи «Насурнинг учун» медални билан мукофотланди. Насиббойнинг ёдидан хануз тириган бу воқеа 1942 йилнинг 19 апрель кунин бўлган эди.

Ленинграддан улоқтириб ташланган душман Нева дарёси ортида, Чуд қўли ва Пенова мустаҳкамлашди олди. Тез орада бу ердан ҳам қўйилди. Қўҳна Смоленск ҳам озод қилинди.

Насиббой бу шаҳар ҳақида ҳам ёриш жанг лавҳасини ёслайди.

Смоленск районида поли Днепрдан жанг қилиб ўтқи ҳақида буйруқ олди. Разведкачилар группаси колонна олдидан борди. Улар илжин борича кўринмасликка ҳаракат қилардилар. Тўсатдан немисларнинг енгил машиниси пайдо бўлди. Разведкачилар йўл четдаги буталар орасига тез бекиниб, шоферни мўлжалга олишди. Улка бўлган 3 немис офицери ва штабнинг ҳужжатлари душман группасининг қон тўқмай қўлга олиниши ва полининг Рославляга чиқиб олинишига ёрдам қилди.

Насиббой Ғарбий Белоруссия, Польша учун жанг қилиб, Берлингача борди.

Уруш вайронгарчиликларини тугатишда ҳам у олдинги сафларда бўлди.

Тугилиб ўсган қишлоғида бухгалтерлик қилди. Тошкент қишлоқ хўжалик институтини сирдан тугатиб, ҳозирда Қишлоқ-ту қолхозининг бош эконо-

мисти бўлиб ишламоқда, эл ҳурматини қозонмоқда.

В. УРИЦКИЙ,
запасдаги офицер.

МУҲИМ
МАВЗУ

Ватан учун жонини фидо қилган қаҳрамонлар хотирасига неча ўнлаб шаҳарларимизда ҳайкаллар, неча минглаб қишлоқларимизда жанговар шўрат едгорликлари ўрнатилган. Совет ҳалқининг Улуғ Ватан уруши тўғрисида, ҳалқимизнинг мислсиз жасорати ҳақида минглаб асарлар ёзилди, қўшиқлар тўқилди, кинолар яратилди... Дарҳақиқат, бу мардликни қанча мадҳ қилсак шунча оз.

«Ўзбекистон» нашриётида чоп этилаётган адабиётлар орасида ватанпарварлик мавзусидаги китоблар каттагина ўринни ташкил қилиди. Шу кунларда нашриёт ҳодимлари «Ватанпарварлик мавзусида ёзилган рангбаранг китобларни ўқувчиларга тақдим этмоқдалар. Улар орасида Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг хотиралари алоҳида ўринни эгаллайди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Александр Николаевич Сабуровнинг «Зафар баҳори» китоби ўқувчилар қўлига етиб борганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Яқинда шундай китоблардан яна бири уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Александр Иванович Покирчиқнинг «Уруш осмони» деб номланган китоби ўқувчиларга тақдим қилинди.

«Диққат! Завода Покирчиқ!» Улуғ Ватан уруши йилларида бу оғохлангичи эффида немис тилида тез-тез такрорланарди. Уруш давомида Александр Иванович 156 ҳаво жангига қатнашиб, душманининг 59 самолётини уриб тўширган. Ушбу китобда автор ўзи ва жанговар ўртоқлари ҳақида, уларнинг кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилади.

Уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Семён Михайлович Будённыйнинг «Илгич билан ураршувлар» номида китобида В. И. Ленин раҳбарлигида Коммунистик партия ва Совет давлатининг Совет Қурулди Кўчларини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қарарларини қатъий қилиб олган бўлиб, ёшларни Ҳарбий ватанпарварлик руҳида Совет Ватанига садоқат руҳида тарбиялашга ҳимоят қилади. Китоб буюқ Ҳарбий саркаранинг Советлар юртини кўз қорачиқдек сақлаш, унга садоқат билан хизмат қилиш ҳақидаги авлодга васыятларини ўз ичига олган.

Ҳарбий-ватанпарварлик темасида қалам тобратётган Александр Раҳмат, Назармат, Мелил Юсуп, Аркадий Голишев, Х. Токибоев ва бошқалар нашриёт билан ҳамкорликда ишлаб, бу соҳада баракали ижод қилмоқдалар.

Нашриётимиз келгусида ҳам аълочи китобларимизнинг жанговар ишлари ва меҳнат соҳасида кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида қўлини бағдир қилган китоблар билан ўқувчиларни хушнуд қилиш ниятида. Журналист-ёзувчи Назармат Эгамназаровнинг нашрга таъйирилган «Жангоҳдан катталар» номида китобчаси жангчиларимизнинг Брест қалъасида кўрсатган мислсиз қаҳрамонликлари мадҳ этади. Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси В. Мильготин ўзининг «Хоразм солдатлари» номидаги китобчасини ҳам китобхоналарга тақдим этмоқда.

Булардан ташқари, ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ҳақидаги оғир ва лавҳалиқ ўз ичига олган «Мардик ва мангиллик» тўпламининг иккинчи китоби ҳам нашрга таъйирилган. Қалам-наш журналистлар ушбу тўплам учун жанговар очерк ва лавҳалар яратишда фаол қатнашдилар, деган умидамиз.

1974 йилда республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли аълики Йиллиги байрам қилинади. Ана шу улуғ айёмга биз шоширлар ома-Ватанимизнинг бахт-саодати йўлида душманларга қарши мардонавор курашган эл қаҳрамонлари ҳақида ёзилган китобларни совға этиш учун иккинчи байрат кўрсатиб ишламоқдамиз.

В. АБДУВАЛИЕВ,
«Ўзбекистон» нашриёти бош редакторининг ўринбосари.

СОЛДАТ
МАКТУБЛАРИО Т А
И З И Д А НА Ё Л О
Х И З М А Т

Николай Примак ўз отаси Евгений Кириллович билан ҳар доим фахрлини юради. Евгений Кириллович Улуғ Ватан уруши йилларида эр мардик ва жасорат кўрсатган. Бунинг эвазига ҳукумат орден ва медалларига сазовор бўлган. Мана, энди Николай армияда ўз йигитлик бурчинини ўтайпти.

Олдин у саккиз йиллик мактабни тамомлаб дурадгорлик ва пардозловчилик касолатини эгаллаб олди. Бир неча йил Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинатида меҳнат қилди. Янги йил билан бунёд этишда, шаҳар жамолини охишда ўз ҳиссасини қўшди. Ёши етган, Совет Армияси сафига қақирди. Бу ерда ҳам бинокорлик касбини шарафлашти. Қисқа вақт ичида қатор фахрий қозғолар ва раҳматномалар билан тақдирланди.

Николай Примак тез ва соз ишлашда, интизомда ҳаммага ўрнак бўлмоқда. Бир воқеа кўнглини қўшди. Қўҳна қишлоқда ўт тушганда биринчи бўлиб Николай Примак ердагига етиб келди. У дўстлари билан биргаликда ўтга қарши курашиб, социалистик мулкни асраб қолди. Мана шу мардик, доворанлиги учун «Ўт ўчиришдаги жасорати учун» медал билан тақдирланган.

Николай Примакка ўшаган йигитлар оз эмас. Улар ўзларининг намунавий хизмати билан совет солдатини деган номни покчила сақламоқдалар. Бундай йигит йигитлар билан ҳар қанча фахрлансак арийдим.

Б. КОРАТНИН,
офицер.

ДЎСТЛИК
ТЕМАСИ

Яқинда ротаимизда одадлагидек сиёсий ўқув дarsi бўлиб ўтди. Бу галги ўқув соати серқўш республикамизга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев томонидан Халқлар дўстлиги орденининг тоширилишига бағишланди.

Рота командири старший лейтенант И. Шерокаў Ўзбекистоннинг тарихи, улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек халқининг қардош халқларга кўрсатган муруватига, 1966 йилда Рўй берган энлила ва шаҳар рўй қайта қуришда турли миклат вакилларининг бир тан, бир жон бўлиб бунёдкорлик ишларини олиб борганликлари, республикамиз қорхоналари ишда чинараётган маҳсулотлар ҳақида бағишлар гапириб берди.

Ўзбекистон пахтакорларининг меҳнатдаги жасоратини леги рота командири — ҳамма-ни қойна қолдирипти. Улар она-Ватанга 4 миллион 900 минг тонна пахта етказиб берди.

Шундан сўнг маъмур ротада хизмат қилаётган Ўзбекистонлик солдатлар М. Тўлматов, Т. Мирзоатовлар, Иваново тўқимачилари билан дўстона

алоқалар ҳақида аниқ кунда-кўп миллатли республика меҳнатчилари олиб бораётган фидокорона меҳнат, фаровон турмушлари ҳақида гапириб беришди.

Сиёсий ўқув дarsi солдатларда катта таассурот қолдирди.

Т. ТОШМАТОВ,
Н. қисм.

ҚЎЛИ ШИРИН
ЙИГИТ

Мансуржоннинг ишқи ошпазликка тушган. У Калинин районидаги К. Маркс номида 17-мактабни тамомлагач, ошпазлик таърифи курсида ўқишга кирди. Сўнг Чилчезор районида 10-ошхонага ишга қабул қилинди.

Армия сафига қақирган Муроджон Пулатов бу ерда ҳам катта рўзгорга бош бўлди. Унинг қўли билан тайёрланаётган ширин-шанар таомларни солдатлар доимо нишанга қўла танабул қиладилар. Қўла ширини пазанда Европа ва Шарқ таомларининг ҳаммасини тайёрлаб бермоқда. Ишдан қўла бўшагач, спорт билан шуғулланади. Яқинда унга иккинчи разрядни спортчи деган унвон берилди.

А. НАНОВ,
Н. қисм.



ВАТАН

Еруслик қўсайди одамлар кунда. Кунинг хира тортар нур кўрмаса кўн. Қўрумдай қон-қора қоронғи тунда Кўнубон бахш этади йилг этган юлдуз. Офтоб-ку, оламнинг энг қўнмоқ кўн. Дўстларин, қўрумдай қўн қўн, зотан Бўлмаса ўзининг чиронинг, уйини, Поирлаб турнаса эрк қабил Ватан! Қалбаги гулхандир қизил қўйлак қиз, Баҳордан сўз очар алийнинг ранги. Шийадаги майдир тинч турган денгиз, Хўп ажиб ранг ёғар сув кетса чангиб. Унинг ранглариди қовжирган чўп, Гузал бўлавермас ахир ҳамма ранг. Езу кўз, барибир, термулман хўп, Сен барча рангга ҳам гузалсан, Ватан! Онам айледи ўнгини мендан, Муаллим таълимни дилимга чорак. Емошдан ахшилик ўрганиш чиндан, Қўлардан, қўлардан олганман сабоқ. Ватаним, қўйингизда ишқ ёзди япроқ.

Сезиниш ўрганиш илк марта сендан Устоз деганимда қўнғим янроқ. Энг улуғ устозинг ўзингсан, Ватан! Тўй бўлса ё келса дўсту қадрдош, Дастурхон тузмок азалий одад. Тўки-сочин эрса агар дастурхон, Демакким, у элга ердир саодат. Серюлдуз осмондай дастурхон очинг Кининг ҳам ҳаёлин тортаман экан... Насиб этиниш шундай ноз-неъмат сочин, «Очил дастурхон»им ўзингсан, Ватан! Тўй қабил мусаффо ойнакўз бўлор, Не буюқ тоғлар бор қилгудек ҳавас. Дўнда ованинг кафтидек юмшоқ Пахталар борлиги, дўстлар, сир эмас... Барча суюқ нарсаси сенда мунассам, Суюқлар суюқ ўзингсан, Ватан! Сенга тиз чўқандир не буюқлар ҳам, Буюқлар буюғи ўзингсан, Ватан!

Эргаш МУҲАМЕДОВ.

Совет ва поляк жангчилари Улуғ Ватан уруши йилларида немис фашизмга қарши курашда эр сабот ва матонат кўрсатди-

лар. Белоруссия Совет Социалистик Республикасининг Ленино қишлоғида икки халқ жангчилари жанговар

ҳамкорлигини ҳикоя қилувчи махсус музей ташкил этилди. Суратда: музейнинг ташқи кўриниши.

Н. Желудович

фотоси.

(ТАСС фотохроникаси)

